


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №5

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



В Е С Т Н И К
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

Садыков Р.А., Исмаилов С.И., Бабаджанов А.Х., Оразалиев Г.Б., Махмудов У.М., Шарифжонов С.М. КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАНЕВОГО ПОКРЫТИЯ ХЕМОБЕН ПРИ ПОВРЕЖДЕНИЯХ ПЕЧЕНИ И СЕЛЕЗЕНКИ	Sadykov R.A., Ismailov S.I., Babadzhanov A.Kh., Orazaliev G.B., Makhmudov U.M., Sharifjonov S.M. CLINICAL EFFICACY OF CHEMOBENE WOUND DRESSING IN LIVER AND SPLEEN INJURIES	141
Сайинаев Ф.К., Арзиев И.А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ МАЛОИНВАЗИВНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ В ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ ХРОНИЧЕСКОЙ ВЕНОЗНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ	Sayinaev F.K., Arziev I.A. OPTIMIZATION OF SURGICAL TREATMENT OF CHRONIC VENOUS INSUFFICIENCY OF THE LOWER LIMBS	146
Сатвалдиева Э.А., Файзиев О.Я. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ ПРИ ПЛАСТИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЯХ У ДЕТЕЙ	Satvaldieva E.A., Fayziev O.Ya. COMPARATIVE EVALUATION EFFECTIVENESS CENTRAL HEMODYNAMIC AT PLASTIC SURGERY IN CHILDREN	150
Султанова Н.С. ИЗУЧЕНИЕ НЕОБХОДИМОСТИ ИСКЛЮЧИТЕЛЬНО ГРУДНОГО ВСКАРМЛИВАНИЯ В РАЗВИТИИ ИММУНОСОМАТИЧЕСКОГО СТАТУСА	Sultanova N.S. STUDYING THE NEED FOR EXCLUSIVE BREASTFEEDING IN THE DEVELOPMENT OF IMMUNOSOMATIC STATUS	154
Толибов Д.С., Салимова Р.А., Шарафиддинов Ж.М. ОПТИМИЗАЦИЯ ПОДХОДОВ К РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ДЕМЕНЦИИ АЛЬЦГЕЙМЕРОВСКОГО ТИПА НА УРОВНЕ АМБУЛАТОРНО-ПОЛИКЛИНИЧЕСКОГО ЗВЕНА	Tolibov D.S., Salimova R.A., Sharafiddinov Zh.M. OPTIMIZATION OF APPROACHES TO THE EARLY DIAGNOSIS OF ALZHEIMER'S TYPE DEMENTIA AT THE OUTPATIENT LEVEL	159
Халиков С.П., Хусинов Д.О., Рахмонов У.Р., Эшкюзиев М.Ш. ЛАПАРОСКОПИЧЕСКАЯ ГЕРНИОПЛАСТИКА ПРИ ПАХОВЫХ ГРЫЖАХ	Khalikov S.P., Khusinov D.O., Rakhmonov U.R., Eshkuziev M.Sh. LAPAROSCOPIC HERNIOPLASTY FOR INGUINAL HERNIAS	162
Хамдамов Б.З., Облокулов А.А., Исмаилова А.А., Убайдуллаев С.А. ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ОСНОВНЫХ ЦИТОКИНОВ У БОЛЬНЫХ СПОНТАННЫМ БАКТЕРИАЛЬНЫМ ПЕРИТОНИТОМ ПРИ ЦИРРОЗЕ ПЕЧЕНИ ВИРУСНОЙ ЭТИОЛОГИИ	Khamdamov B.Z., Oblokulov A.A., Ismailova A.A., Ubaidullaev S.A. APPROACHES TO THE STUDY OF THE MAIN CYTOKINES IN PATIENTS WITH SPONTANEOUS BACTERIAL PERITONITIS IN LIVER CIRRHOSIS OF VIRAL ETIOLOGY	167
Ходжиева Д.Т., Бафоева З.Б., Наврузова З.Ш. ОСОБЕННОСТИ ГОЛОВНЫХ БОЛЕЙ, ВОЗНИКШИХ ВСЛЕДСТВИЕ ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА, АССОЦИИРОВАННОГО С ИНФАРКТОМ МИОКАРДА	Khodzhieva D.T., Bafoeva Z.B., Navruzova Z.Sh. FEATURES OF HEADACHES RESULTING FROM ISCHEMIC STROKE ASSOCIATED WITH MYOCARDIAL INFARCTION	172
Худайберганова Н.Х., Ахмедова И.М. ВНЕЖЕЛУДОЧНЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ГАСТРОДУОДЕНИТА У ДЕТЕЙ	Khudaiberganova N.Kh., Akhmedova I.M. EXTRAGASTRIC MANIFESTATIONS OF CHRONIC GASTRODUODENITIS IN CHILDREN	176
Юсупалиходжаева С.Х., Шомуродова Г.Х. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ РАСТВОРА ФУРАСОЛА ПРИ КОМБИНИРОВАННОЙ ТЕРАПИИ СОЧЕТАННЫХ ВОСПАЛИТЕЛЬНО-ДЕСТРУКТИВНЫХ ПОРАЖЕНИЙ ПАРОДОНТА	Yusupalixoj'eva S.X., Shomurodova G.X. PERIODONTNING QO'SHMA YALLIG'LANISH VA DESTRUKTIV LEZYONLARINI BIRGALIKDA DAVOLASHDA FURASOL ERITMASINING SAMARADORLIGINI BAHOLASH	179
Якубов Х.Х., Насиров Т.К., Ойдинов А.Э., Хужаназаров Д.А. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ОСНОВНОЙ ПРИЧИНЫ СМЕРТИ ПРИ ОСТРЫХ ОТРАВЛЕНИЯХ ПРИЖИГАЮЩИМИ ЯДАМИ	Yakubov Kh.Kh., Nasirov T.K., Oйдинов А.Э., Khujanazarov D.A. FORENSIC MEDICAL ASSESSMENT OF THE DEFINITION OF THE MAIN CAUSES OF DEATH IN ACUTE POISONING CAUTERIZING POISONS	183
ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ		
HYGIENE, SANITATION AND EPIDEMIOLOGY		
Ахмадалиева Н.О., Нигматуллаева Д.Ж. ВЛИЯНИЕ ЗДОРОВЬЯ УЧИТЕЛЕЙ НА ВОСПИТАНИЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ	Akhmadaliev N.O., Nigmatullaeva D.Zh. THE HEALTH OF TEACHERS WILL AFFECT THE UPBRINGING OF THE YOUNGER GENERATION	188
Бахритдинов Ш.С., Мидасов М.М., Алматов Б.И. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ ХОДИСАЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ	Bakhritdinov Sh.S., Midasov M.M., Almatov B.I. HYGIENIC ASSESSMENT OF CASES OF FOOD POISONING OF THE ENVIRONMENT POPULATION OF UZBEKISTAN	191
Иброхимов К.И. ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УСЛОВИЙ ТРУДА В ПРОИЗВОДСТВЕ ШЕРСТИ	Ibrohimov K.I. HYGIENIC CHARACTERISTICS OF WORKING CONDITIONS IN WOOL PRODUCTION	196
Искандарова Ш.Т., Хасанова М.И., Садыкова У.А. ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КАЧЕСТВА ВОДЫ ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОДОЁМОВ КАРАКАЛПАКСТАНА	Iskandarova Sh.T., Hasanova M.I., Sodiqova U.A. HYGIENIC ASSESSMENT OF WATER QUALITY IN SURFACE WATER BODIES OF KARAKALPAKSTAN	199
Ли М.В. ОЦЕНКА РАДИАЦИОННЫХ РИСКОВ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ ОТДЕЛЕНИЯ ЯДЕРНОЙ МЕДИЦИНЫ	Lee M.V. ASSESSMENT OF RADIATION RISKS OF MEDICAL WORKERS OF THE DEPARTMENT OF NUCLEAR MEDICINE	202

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ ХОДИСАЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Бахритдинов Ш.С., Мидасов М.М., Алматов Б.И.

ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА СЛУЧАЕВ ПИЩЕВЫХ ОТРАВЛЕНИЙ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Бахритдинов Ш.С., Мидасов М.М., Алматов Б.И.

HYGIENIC ASSESSMENT OF CASES OF FOOD POISONING OF THE ENVIRONMENT POPULATION OF UZBEKISTAN

Bakhritdinov Sh.S., Midasov M.M., Almatov B.I.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: гигиенический анализ случаев пищевых отравлений среди населения республики и разработка санитарно-гигиенических мероприятий по их предупреждению. **Материал и методы:** были проанализированы показатели пищевых отравлений в республике за последние 10 лет в республике были изучены и проанализированы. На основании полученных результатов был составлен прогноз возможных пищевых отравлений до 2030 г. **Результаты:** в 2004-2013 гг. в республике заболевших вследствие отравления пищевыми продуктами было 855, из них погибли 124. Как показал анализ, в 85% случаев отравление происходит в домашних условиях, в 10,2% – на свадебных церемониях, в 1,8-2% – на предприятиях торговли и общественного питания. При этом не зарегистрировано случаев отравления продуктами питания, приобретенными в современных оборудованных супермаркетах (Корзинка), и консервами, приготовленными в промышленных масштабах. **Выводы:** необходимо усилить контроль продуктов питания на свадебных торжествах и в заведениях общественного питания.

Ключевые слова: пищевые отравления, продукты из супермаркетов, санитарно-гигиенические мероприятия.

Objective: Hygienic analysis of cases of food poisoning among the population of the republic and development of sanitary and hygienic measures to prevent them. **Material and methods:** Indicators of food poisoning in the republic were analyzed over the past 10 years in the republic were studied and analyzed. Based on the results obtained, a forecast was made of possible food poisoning until 2030. **Results:** In 2004-2013 in the republic, there were 855 cases of food poisoning, of which 124 died. As the analysis showed, in 85% of cases, poisoning occurs at home, in 10.2% - at wedding ceremonies, in 1.8-2% - at trade enterprises and catering. At the same time, there were no cases of poisoning with food purchased in modern equipped supermarkets (Korzinka), and canned food prepared on an industrial scale. **Conclusions:** It is necessary to strengthen the control of food at wedding celebrations and in public catering establishments.

Key words: food poisoning, products from supermarkets, sanitary and hygienic measures.

Аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳодисалари йилдан йилга ошиб бормоқда. Инглиз олими Борбели маълумотида кўра овқатдан заҳарланишни 10000 ортиқ тури мавжуд. Республикамизда ўта кучли хавfli пестицидлардан (Фарғона вилояти Бувайда туманида), қўзиқоринлардан (Тошкент вилоятида), нитратлардан (Навоий вилоятида), ботулизмдан, метил спиртидан қатор вилоятларда содир бўлган оммавий заҳарланишлар аҳоли саломатлигига катта путур етказди. Европани нуфузли лабораториялари Қорақалпоғистон худудида озиқ-овқат маҳсулотларида диоксин модадасини юқори концентрациялари аниқлаган. Республикамизда овқатдан заҳарланишни олдини олиш бўйича тажриба тўпланган [2,3]. Тизимни чуқур ўрганган ҳолда бу соҳани такомиллаштириш зарур. Республикада 10 йилликда қайд қилинган овқатдан заҳарланишлар таҳлили, заҳарланишларни асосий сабабларини аниқлашга имкон берди. Олиб борилган овқатдан заҳарланишни 2030 йилгача прогнози, овқатдан заҳарланиш профилактикасига қаратилган аҳоли ўртасида коммуникацион тадбирларни кучайтиришни талаб этади [1]. Ушбу ҳолат республикада овқатдан заҳарланишни профилактикасига йўналган тадбирларни жорий қилишни тақоза қилади.

Тадқиқот мақсади

Республикада аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини таҳлил қилиш.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

1. Республикада 10 йилликда аҳоли орасида содир бўлган овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини ўрганиш ва гигиеник таҳлил қилиш.

2. Аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини 2030 йилгача бўлган прогнозини ишлаб чиқиш.

3. Овқатдан заҳарланишни олдини олиш бўйича санитар - гигиеник тадбирлар ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар

Овқатдан заҳарланишни гигиеник таҳлили 1 ва 1.1 жадвалда берилган. Қайд этилган йилликда аниқланган 855 та заҳарланишлар таҳлил қилинди. Жадвалда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 85% ҳолатда заҳарланишлар уй шароитда, 10,2% ҳолатда тўйларда, 1,8-2% корхоналарда содир бўлаётганлиги қайд қилинган. Шуниси аҳамиятлики, супермаркетлардан (Корзинка) харид қилинган озиқ - овқат маҳсулотларидан ва саноат миқёсида тайёрланган консервалардан заҳарланиш охириги йилларда қайд қилинмаган. Аҳоли яшаш ҳу-

дудларида овқатдан заҳарланиш ҳодисалари таҳли-ли 70- 82% ҳолатда токсикозлар, 28-38% ҳолатда токикоинфекциялардан, 7,5-10 % ҳолатда кимёвий омиллардан, 1,87% ҳолатда микотоксикозлардан келиб чиққанлиги қайд қилинди. Жами қайд қилинган заҳарланишларни 36% ти ботулизм диагнози қўйилган, 335 кишида заҳарланишлар салатлардан ташкил топган бу заҳарланишни 39% ташкил қилмоқда. Жами заҳарланишни 41 таси ёки 8,8% торт-

лардан, уларни 0,7% уйда тайёрланган тортларни ташкил қилади.

1-расмда овқатдан заҳарланишни келиб чиқиш омилларига: консервалаш қоидаларини яхши билмаслик 65-70%, 65%- стерилизация температурага риоя қилмаслик, 20,5% - хом ашёни сифатсизлиги, 25% - нотўғри ишлаш, 22,8% - ташқи муҳит омиллари, 16%- ҳолатда бошқа омиллар сабаб бўлганлиги қайд қилинади.

1-жадвал

Республика бўйича қайд этилган овқатдан заҳарланиш ҳолатлари (2004-2008 йиллар)


Худудлар Номи	2004 йил			2005 йил			2006 йил			2007 йил			2008 йил		
	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар
Тошкент ш	24	74	-	23	74	1	17	50	-	14	31	-	6	13	-
Андижон	2	18	2	-	-	-	2	8	-	3	46	1	2	6	-
Бухоро	-	-	-	1	4	-	-	-	-	2	7	-	1	7	-
Жиззах	1	12	2	1	3	-	2	13	2	1	6	1	-	-	-
Қашқадарё	6	12	-	1	8	-	-	-	-	2	11	3	4	14	3
Навоий	3	3	1	3	21	-	2	14	-	3	10	-	4	15	-
Наманган	1	9	3	2	7	3	3	13	3	1	6	-	3	12	1
Самарқанд	3	15	1	2	27	5	4	39	6	1	8	-	-	-	-
Сурхондарё	1	7	2	2	5	-	2	16	1	1	7	-	3	8	-
Сирдарё	4	19	1	1	4	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Тошкент	1	3	2	-	-	-	6	24	5	2	18	-	2	3	-
Фарғона	6	27	1	8	16	1	15	62	13	5	23	1	5	30	2
Хоразм	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
ҚҚР	-	-	-	-	-	-	1	6	-	2	10	2	-	-	-
Республика бўйича	52	203	15	44	169	11	54	245	30	37	183	8	30	108	6

1.1-жадвал

Республика бўйича қайд этилган овқатдан заҳарланиш ҳолатлари (2009-2013 йиллар)

Худудлар Номи	2009 йил			2010 йил			2011 йил			2012 йил			2013 йил		
	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар	ходислар сони	жабрланганлар	вафот этганлар
Тошкент ш	18	46	1	6	15	-	5	16	1	8	19	-	6	17	-
Андижон	2	7	2	1	10	-	-	-	-	2	25	2	2	7	-
Бухоро	3	12	4	1	6	-	3	21	2	6	31	2	1	2	1
Жиззах	4	11	1	3	14	2	2	17	2	2	11	1	4	15	-
Қашқадарё	7	31	2	2	4	-	3	14	4	7	27	5	6	23	3
Навоий	3	19	-	-	-	-	-	-	-	3	11	-	2	7	-
Наманган	2	6	2	-	-	-	9	51	4	7	37	-	6	19	1
Самарқанд	1	6	1	1	1	-	3	16	2	6	22	2	6	32	-
Сурхондарё	1	4	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	3	-

Сирдарё	1	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	4	-
Тошкент	2	4	2	2	2	-	-	-	-	4	7	2	5	14	-
Фарғона	8	25	2	2	7	-	1	3	-	-	-	-	6	35	-
Хоразм	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
ҚҚР	1	2	-	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Республика бўйича	55	181	18	19	61	2	26	138	15	45	190	14	46	178	5



1-расм. Овқатдан заҳарланишни келиб чиқиш омиллари

Умумий заҳарланишларни 80% консервалардан ташкил топган заҳарланиш қайд қилинган бўлса, улардан 213 таси яъни 25% ни помидор ва бодрингдан тайёрланган консервалар ташкил қилмоқда. Баҳор ойларидида 415 та заҳарланиш умумий ўрганилган заҳарланишни 48% ташкил қилди, ёз ойларидида 221 заҳарланиш қайд қилиниб, бу рақам ўрганилган умумий заҳарланишни 26% ташкил қилади. Қиш ойларидида эса 219 заҳарланиш қайд қилинган, бу умумий заҳарланишни 25% ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон республикасида овқатдан заҳарланишнинг 2030 йилгача бўлган прогнози. Прогнозлашда 2 хил услубий ёндашувдан фойдаланилди.

“Максимал турғунлик”ни аниқлаш усулидан фойдаланиб прогнозлаш.

Регрессияни баробарлаштириш

Параметрик истиқбол таҳлили ва алгоритми қуйидагилардан ташкил топади: бу ерда параметрик прогноз деганда доимий дискретлашган қадам билан ўзгарувчи дискрет катталик тушунилади. Прогнозлашда вақт ўтиши билан сут ишлаб чиқаришнинг ўзгариши қийматларда ифодаланди. Бунда таҳлилдаги динамик ўзгаришлар орасидаги масофа 1 йил қилиб танлаб олинди.

Овқатдан заҳарланиш ходисаларини йиллар давомидидаги ўзгаришлар қийматлари асосида динамик қатор тузилди. Унинг характерли хусусияти шундаки, x ўрнида вақт омили, u ўрнида эса ходиса ифодаланди. Динамик қаторнинг график тасвири синиқ чизиқларда ифодаланди. Белгиларнинг асосий тенденциясини аниқлаш мақсадида динамик қаторларни баробарлаштириш, яъни синиқ чизиқларни силлиқлаш зарур бўлди.

Бунинг учун динамик қаторларни баробарлаштиришнинг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди.

$$\sum (x_i - \bar{x})^2 = \min$$

Ўрта арифметик миқдор натурал қаторларда ифодаланган нуқталар ёрдамида динамик қатор қуйидагича баробарлаштирилди.

$$\bar{x} = \frac{1+10}{2} = 5.5$$

Қатор даражаларидаги оғишни шу катталикдан айирдик (4.8-жадвал).

Қуйида келтирилган 1 ва 2- формула ёрдамида ҳисоблашларни бажардик ва чизиқли тенглик ўлчамларни аниқладик.

$$a = \frac{\sum y_i}{n} = \frac{408}{10} = 40.8.$$

$$b = \frac{\sum x_i(x_i - \bar{x})}{\sum (x_i - \bar{x})^2} = \frac{-108}{76.25} \approx -1.41$$

Овқатдан заҳарланиш касалланишнинг тарқалганлик динамикасини баробарлаштириш формуласидан қуйидаги кўриниш келиб чиқди.


$$\bar{y}_x = 40.8 + (-1.41)(x_i - \bar{x})$$

Шу тенгламадан келиб чиққан ни жадвалнинг охириги устунчасига жойлаштирдик.

Бу ҳақда янаям ишончли тасаввур қуйидаги расмда ифодаланган. Бунда синиқ чизиқ силлиқ чизиққа айланган (2-расм).

Ўзбекистон Республикасида кейинги 15 йил ичида овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини ҳолати

Йиллар	x_i	Ходиса, y_i	$(x_i - \bar{x})$	$y(x_i - \bar{x})$	$(x_i - \bar{x})^2$	\bar{y}_x
2004	1	52	-4.5	-234	20,25	46,65
2005	2	44	-3.5	-154	12,25	45,35
2006	3	54	-2.5	-135	0	44,05
2007	4	37	-1.5	-55,5	2,25	42,7
2008	5	30	-0.5	-15	0,25	41,4
2009	6	55	0.5	27,5	0,25	40,1
2010	7	19	1.5	28,5	2,25	38,9
2011	8	26	2.5	65,0	6,25	37,6
2012	9	45	3.5	157,5	12,25	36,3
2013	10	46	4.5	207,0	20,25	35,0
Σ	55	408	0	-108	82,5	



2-расм. Республикада 2004-2013 йиллар давомида овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини динамик ва баробарлаштирилган тасвири.


Овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини динамик тасвири ва баробарлаштирилган тасвирдан ҳосил бўлган чизиқни давом эттириш натижасида овқатдан заҳарланишни ҳодисаларини 2004-2030 йиллардаги истиқболни бериш имкони пайдо бўлди (2-жадвал, 2-расм).

Шундай қилиб, овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини 2030 йилгача прогнози уни миқдорини камайиб боришини кўрсатди, ҳар йили ўртача овқатдан заҳарланиш камайиши 3-5ни ташкил қилиши мумкинлиги аниқланди. Айрим мутахассислар ушбу прогноз ҳақиқатга яқин эмаслиги мумкин деб тахмин қиладилар, биз бунга эътироз қилмаймиз чунки оммавий заҳарланишлар фавқулодда турли ҳудудларда ҳар - хил сабабларга кўра содир бўлади. Аммо биз ўрганган 10 йил вақт давомида содир бўлган жабрланувчилар ва ўлим ҳолатини биз таклиф

этган санитар гигиеник тадбирларга амал қилинса прогнозни шу даражада турғунлаштириш мумкин.

Натижалар ва муҳокома

Халқаро ташкилотларни берган маълумотларига кўра ер курраси аҳолиси ўртасида овқатдан заҳарланиш даражаси ошиб бормоқда. ЖССТ тақдим этган маълумотларига кўра овқатдан заҳарланиш келиб чиқишида биологик таҳлика омиллари; гўшт ва гўшт маҳсулотлари -15%, сут ва сут маҳсулотлари -8%, балиқ ва балиқ маҳсулотлари -5%, тухум-5%, торт ва музқаймоқ -15%, салат ва соуслар-2%, парранда -3%, аралаш-10%, бошқа заҳарланиш -13% ни ташкил қилган. Республикада худудларида овқатдан заҳарланишни таҳлили 85% ҳолатда заҳарланишлар уй шароитида руй берган. Овқатдан заҳарланишлар ва ўлим ҳолатлари уй шароитида тайёрланган консервалардан келиб чиқмоқда.



3-расм. Овқатдан заҳарланишни ҳодисаларини 2004-2030 йиллардаги истиқболи.

3-жадвал

Республикамизда 2013 – 2030 йилларда овқатдан заҳарланиш ҳодисалари прогнози

Йиллар	Овқатдан заҳарланиш ҳодисаларини прогнози
2014	39,5
2015	38,2
2016	36,9
2017	35,6
2018	34,3
2019	33,0
2020	31,7
2021	30,4
2022	29,1
2023	27,8
2024	26,5
2025	25,2
2026	23,9
2027	22,6
2028	21,3
2029	20,0
2030	18,7

Хулоса

1. Овқатдан заҳарланишни таҳлили, 85% ҳолатда заҳарланишлар уй шароитда, 10,2% ҳолатда тўй маросимларда, 1,8- 2% савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида содир бўлаётганлиги қайд қилинади.
2. Замонавий жиҳозланган супермаркетлардан (Корзина) харид қилинган озиқ - овқат маҳсулотларидан ва саноат миқёсида тайёрланган консерваларда заҳарланиш қайд қилинмади .

Адабиётлар

1. Бахритдинов Ш.С., Закирходжаев Ш.Я., Юнусова С.,

Ерматова Ш.С. Ибн Сино таълимотида овқатдан заҳарланиш профилактикаси – ҳозирги замон гигиена фанининг долзарб вазифаси // Ибн сино мероси ва замонавий тиббиёт тараққиёти тўпламида, Илмий- амалий семинар, Термиз,2015, 22 бет.

2. Шайхова Г.И., Туляганова К.А., Эрматов Н.М. Ибн Сино таълимотида микробли овқатдан заҳарланиш турлари ва уларни олдини олишни чора тадбирлари // Ибн Сино мероси ва замонавий тиббиёт тараққиёти тўпламида, Илмий- амалий семинар, Термиз,2015, 107 бет.

3. Каримов Ш.И. таҳрири остида // соғлом овқатланиш саломатлик мезони, / Гадоев А, Закирходжаев Ш..Бахритдинов Ш.С., ва бошқ. Тошкент,2015, 365 бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОДИСАЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Бахритдинов Ш.С., Мидасов М.М., Алматов Б.И.

Мақсад: республика аҳолиси орасида овқатдан заҳарланиш ҳолатларини гигиеник таҳлил қилиш ва уларни олдини олиш бўйича санитария-гигиена тадбирларини ишлаб чиқиш. **Материал ва усуллар:** республикада ўтган 10 йил давомида озиқ-овқат заҳарланишининг республика бўйича кўрсаткичлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Олинган натижалар асосида 2030 йилгача мумкин бўлган озиқ-овқат заҳарланиши прогнози тузилди. **Натижалар:** 2004-2013 йилларда республикада овқатдан заҳарланиш ҳолатлари 855 та бўлиб, улардан 124 таси вафот этган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 85% ҳолларда заҳарланиш уйда, 10,2% – тўй маросимларида, 1,8-2% – савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида содир бўлади. Шу билан бирга, замонавий жиҳозланган супермаркет (Корзинка) ларда харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат миқёсида тайёрланган консервалардан заҳарланиш ҳолатлари кузатилмаган. **Хулоса:** тўй тантаналарида ва умумий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат назоратини кучайтириш керак.

Калит сўзлар: овқатдан заҳарланиш, супермаркет маҳсулотлари, санитария-гигиена тадбирлари.